

Тадбиркорлар ва манфаатдор хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 мартағи 59-сонли "2015 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооператсия биржасини ташкиллаштириш ҳамда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан "Ўзавтойўл" ДАК тизимидағи корхоналар жорий йилнинг 29 апрел - 1 май кунлари "Ўзекспомарказ" МКМ ҳудудида ўтказиладиган тармоқ саноат ярмаркасида иштирок этади.

Ярмарканинг асосий мақсади – соҳада фаолият юритувчи корхоналарга ишлаб чиқаришдаги узоқ муддатли ўзаро алоқаларда ҳамда қайта ишланган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларни, тайёр маҳсулотларни етказиб беришда кўмаклашиш, шунингдек, тармоқ ва тармоқлараро кооператсияни ривожлантириш йўли билан янгитдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан яқиндан танишишдир.

Тармоқ саноат ярмаркасида "Ўзавтойўл" ДАК таркибидағи корхоналардан ташқари "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК, "Ўзқурилишматериаллари" АК, "Ўзмонтажмахсусқурилиш" ҳамда "Тошшаҳартрансхизмат" ўюшмалари тизимларига кирувчи корхоналар, шунингдек, кичик ва хусусий бизнес вакиллари қатнашиб, ишлаб чиқариш салоҳиятларини намойиш этишади.

Корхона ва ташкилотлар ўзларининг техник ва технологик имкониятларини янада яққол намойиш этишлари учун уч кун мобайнида улар томонидан тақдимотлар ўтказилади.

Ярмарка ўтказилаётган кунларда "Ўзавтойўл" ДАК таркибидағи корхоналар томонидан 32 турдаги маҳсулотлар намойиши ташкил этилади.

"Ўзавтойўл" АК матбуот хизмати